Биография

Бекпўлат Умуркулов



1949 йил 25 мартда Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Мачай қишлоғида туғилди. 1966 йилда Бойсун туманидаги 1-ўрта мактабни тугатди. Она тили ва адабиётига ҳавас уйғотган илк устозлари Мачай қишлоғидаги А.Икромов номли 46-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Менгли Эргашев ва педагогика фанлари номзоди, доцент Жаббор Эсоновдир.

Б.Умуркулов ўрта мактабни тугатгач, 1966–1967 ўқув йилида Шеробод туманидаги 3-ўрта мактабда ишлади. 1967 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кириб, 1971 йил тугатган.

1971–1972 йиллар Гагарин районидаги (ҳозирги Музработ) «Меҳнат зафари» газетасида катта адабий ходим бўлиб ишлаган. 1972-1973 йил ҳарбий хизматда бўлган. 1973–1976 йиллар Гагарин районидаги 1-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1976–1987 йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси А.С.Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаган.

У илмий иш билан бирга педагогик фаолият ҳам олиб борган. Шу йиллар орасида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида соатбай дарс берган

Б.Умуркулов 1983 йилда Э.Бегматов раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек поэзиясининг лексик хусусиятлари» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Биография



Ушбу мавзуни номзодлик диссертацияси сифатида ишланиши бадиий асар тили масалаларини кенг мақсада ўрганиш борасида катта туртки бўлди. Бадиий асар тилини ўрганиш масалалари тилшуносликнинг далзарб масалаларидан бўлиб, шу йилларда тадқиқотчилар назаридан четта қолаётган эди. Олим ушбу мавзуни ишлаш билан ўзбек шеъриятининг ўзига хос ифода усулини асослади. Шеъриятда қўлланиладиган сўзлар ва грамматик формаларнинг шу нутқ учун хослигини, бу воситаларни шу нутқ жараёнидаги вазифаларини таҳлил қилиб берди. Ана шу изланишларнинг самараси натижасида унинг “Поэтик нутқ лексикаси ” (Тошкент, Фан 1990) номли монографияси нашр этилди. Монографияда ўзбек поэтик нутқининг ўзига хос бўлган, бошқа нутқ турларида деярли учрамайдиган нутқий бирликлари таҳлил қилинган. Бундай сўзлар поэтик лексика атамаси орқали номланиб, улар поэтизмлар ва поэтик нутқ учун хос бўлган сўз қисқартмалари шаклида ажратилиб, бу луғавий воситаларнинг шеърий нутқ жараёнида бажарадиган вазифалари таҳлил қилинган. Шунингдек, монографияда метафора, ўхшатиш ва сифатлаш каби бадиий воситаларнинг шеърий нутқдаги ўрни ҳақида аниқ мисоллар, чоғиштирмалар ўрни ҳақида мулоҳазалар билдирилган.

Б.Умуркулов кўп йиллар Фанлар Академияси тил ва адабиёт институтининг нутқ маданияти бўлимида ишлаб, нутқ маданияти масалалари билан шуғулланган. Нутқ маданиятини кенг омма орасида тарғибот қилишда фаол иштирок этган. Ҳаммуллифликда яратилган “Ўзбек нутқи маданияти очерклари” (Тошкент, “Фан” 1988) монографияси нутқ маданияти соҳасидаги илк тадқиқотлардан бўлиб, монографиянинг “Нутқ маданияти ва услуб”, “Услуб ва функционал услуб тушунчалари”, “Бадиий услуб”, “Илмий услуб”, “Нутқий равонликни бузувчи баъзи факторлар” каби қисмлари Б.Умуркулов томонидан ёзилган.

Биография



Олимнинг “Лектор нутқи ва бадиий тил” (Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1981), “Сўз танлаш санъати” (Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1985) каби рисолалари ҳам нутқ маданияти масалаларига бағишланган.

У 1987 йилдан бошлаб Термиз давлат педагогика институти (ҳозирги Термиз давлат университетида) ишлашга келган.

1990 йилдан доцент, 2005-2011 йиллар ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири лавозимида ишлади.

Шу йилларда олим илмий иш билан бир қаторда кўпгина методик характердаги тадқиқотларни яратди.

Савод ўргатиш методикаси (Душанбе, 1994, ҳаммуаллифликда), Ўзбек тили (Термиз, 2000), Ўзбек адабий тили (Термиз, 2001), “Ҳозирги ўзбек адабий тилидан машқлар тўплами” (Термиз, 2007), Ҳозирги ўзбек адабий тили (Термиз 2009) Ўзбек тилининг амалий грамматикаси (Термиз, 2018, ҳаммуаллифликда) каби асарларидан олий ўқув юртлари талабалари фойдаланиб келмоқда.

Б.Умуркуловнинг С.Раҳимов билан ҳамкорликда Ҳозирги ўзбек адабий тили (Тошкент, 2001) қўлланмаси асосида Hozirgi o‘zbek adabiy tili (Тошкент, 2003) дарслиги яратилди.

Б.Умуркуловнинг асосий илмий фаолияти бадиий нутқ масалалари билан боғлиқ. У кейинги йилларда насрий асарлар тилини таҳлил қилиш бўйича илмий ишлар олиб борди.

Биография



Ушбу изланишлар натижаси сифатида “Бадиий адабиётда сўз” (Тошкент, “Фан”, 1993) монографияси нашр этилди. Қисқа ва сермазмун ижодининг самараси сифатида халқимиз учун катта мерос қолдирган ижодкор Ҳамид Олимжон достонлари материаллари асосида тайёрланган “Шоирнинг қофия санъати” номли монографияси нашр этилди. (2016 йил, ҳаммуаллифликда) Б.Умурқулов бадиий асар тилини таҳлил қилиш масалалари бўйича 100 га яқин мақолалар ёзиб, нашр эттирган.

У 2006 йилдан Antigue world халқаро илмий академиясининг профессори.

“Ўзбек насрий нутқининг лингво-услубий шаклланиш асослари” мавзусида 2020 йил проф.И.Мирзаев раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2022 йил профессор илмий унвонига эга бўлган. Унинг муҳаррирлигида 15 та ўқув-услубий қўлланма ва илмий тўпламлар нашр этилган.

Б.Умурқулов Қарши давлат университети қошидаги DSC 03/30.12.2021. Fil.70.01 рақамли илмий кенгаш аъзоси. Термиз давлат университети қошидаги PhD/ 03/31.03.2021. Fil. 78.04.рақамли илмий кенгаш раиси.

Самарқанд давлат университетида нашр этиладиган “Фан, таълим ва амалиёт интеграцияси” журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси, “Сурхондарё: илм ва тафаккур” журнали илмий котиби, Термиз давлат университетида нашр этиладиган “Филологик тадқиқотлар: тил, адабиёт, таълим” журнали бош муҳаррири ўринбосари.

Б.Умурқулов раҳбарлигида тўртта илмий тадқиқотчи филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. Бугунги кунда 10 дан ортиқ тадқиқотчилар Б.Умурқулов раҳбарлигида илмий изланишлар олиб боришмоқда. У Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Асарлари:

1981	Лектор нутқи ва бадиий тил. Рисола. Тошкент, “Ўзбекистон”.
1985	Сўз танлаш санъати. Рисола. Тошкент, “Ўзбекистон”.
1988	Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Монография (ҳаммуаллифликда). Тошкент, “Фан”.
1990	Поэтик нутқ лексикаси. Монография. Тошкент, “Фан”.
1993	Бадиий адабиётда сўз. Монография. Тошкент, “Фан”.
1994	Савод ўргатиш методикаси. Ўқув қўлланма (ҳаммуаллифликда). Душанбе
2000	Ўзбек тили. Ўқув қўлланма. Термиз.
2001	Ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. Термиз. .
2003	Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Дарслик (ҳаммуаллифликда). Тошкент.
2007	Ҳозирги ўзбек адабий тилидан машқлар тўплами. Ўқув қўлланма. Термиз.
2009	Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. Термиз.
2016	Шоирнинг қофия санъати. Монография (ҳаммуаллифликда). Тошкент.
2018	Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. Ўқув қўлланма (ҳаммуаллифликда).

Copyright © 2022
All Rights Reserved.